Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 6 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 35 (6681)

Э. ШЕВАРДНАДЗЕ: ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН ЖИДДИЙ ЮТУҚЛАРДАН ҲАЙРАТИМНИ ЯШИРОЛМАЙМАН

СУРАТДА: яккама-якка суҳбат пайти. С. Зуфаров (ЎзА) тасвирга олган.

4 сентябрь куни Грузия давлат раҳбари, республика парламенти раиси Эдуард Шеварднадзе расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Байрамона безатилган Тошкент аэропортида Эдуард Шеварднадзега Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов пешвоз чиқди. Анъанага кўра, юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Аэропортнинг ўзидаёқ Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе ўзаро мулоқотда бўлди. Яккама-якка мулоқот шаҳардаги қароргоҳда ҳам давом этди.

Грузия давлати раҳбари шу куни Ўзбекистон Президенти ҳамроҳлигида пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги миллий боққа ташриф буюриб, буюк шоир ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Пойтахтимизнинг муҳташам Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон ва Грузия давлатлари расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Грузия давлат раҳбари Эдуард Шеварднадзе мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе шу ерда журналистлар билан учрашиб, уларнинг музокаралар натижалари ҳақидаги саволларига жавоб қайтардилар.

— Ўзбек ва грузин халқлари ўртасида азалдан дўстона муносабатлар шаклланган, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Хусусан, биз 1966 йилда Тошкентда рўй берган зилзила оқибатларини тугатишда Грузия кўрсатган беғараз ёрдамни асло унутмаймиз. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига Шота Руставели номи берилгани ҳам дўстлигимиз рамзларидан биридир. Айни пайтда мамлакатимизда 30 минг нафарга яқин грузин миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Мамлакатимизда грузин миллий маданий маркази кенг фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти музокаралар чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муносиб шакларини топиш юзасидан фикрлашувлар бўлиб ўтганини таъкидлар экан, мамлакатларимиз ўртасида ҳукуматлараро ва муассасалараро йиғирмадан зиёд ҳужжат қабул қилинганини Грузия раҳбарининг ушбу ташрифи ғоят самарали бўлганининг далили сифатида қайд этди.

— Бу ҳужжатлар мустақил мамлакатларимизнинг азалий алоқаларини янги босқичда давом эттириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади, — деди Ислом Каримов.

Грузия давлат раҳбари Президентимиз фикрини маъқуллар экан, эришилган қимматли ютуқларимизни сақлаб қолиш, шунинг билан бирга, уларни янада ривожлантириш кераклигини таъкидлади.

— Мен Тошкентда илгари ҳам бир неча бор бўлганман, — деди Э. Шеварднадзе. — Бугун мен Тошкент буюк мустақил мамлакат пойтахтига хос чирой ва салобатга тўлиб бораётганини кўрдим. Ўзбекистон халқини истиқлолнинг 4 йиллик байрами билан яна бир бор муборакбод этар эканман, мамлакатингизда эришилган жиддий ютуқлардан ҳайратимни яшира олмайман.

Грузия давлат раҳбари бу муваффақиятларни қўлга киритишда Президент Ислом Каримовнинг нафақат ўз мамлакати, балки Кавказ, МДҲ ва жаҳон муаммоларини теран англаши муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов журналистларнинг саволига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон Грузиянинг ҳудудий бутунлиги тарафдори эканини яна бир карра қайд этди.

Ўзбекистон ва Грузия давлат раҳбарлари айни пайтда жаҳонда иқтисодий интеграциялашув жараёни кетаётганига эътибор қаратдилар. Дарҳақиқат, бундан 2 минг йил илгари халқларимиз Буюк ипак йўли орқали савдо ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирганлар. Ана шу азалий алоқаларни янги асосда тараққий эттириш давр талабидир. Шу боис Ўзбекистон ва Грузиянинг коммуникация соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олгани жуда яхши бўлди.

Ҳар икки мамлакат раҳбарлари қабул қилинган ҳужжатларни Ўзбекистон ва Грузия халқлари манфаатлари йўлида тўла амалга оширишга тайёрлигини изҳор этдилар.

Президент Ислом Каримов ва Грузия давлат раҳбари сафар ниҳоясида йирик давлат арбоби Шароф Рашидов қабрини зиёрат қилдилар. Унинг ёдгорлиги пойига гуллар қўйдилар.

Шунинг билан Грузия давлат раҳбари Э. Шеварднадзенинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди.

Аэропортда Грузия давлат раҳбарини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Б. Гуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

МУКОФОТ МУБОРАК!

Узбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1 сентябрь байрами муносабати билан кўпчилик республикада иқтисодиёт, маданият, фан ва халқ таълимининг юксалишига, халқ фаровонлигининг ошишига, истиқлолни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун юртдошларимиздан бир гуруҳи ҳукуматимиз мукофотлари билан тақдирландилар.

Улар орасида таълим, фан ходимлари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Ғаффор Абдуллаевич — Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти физика-математика кафедраси доценти.

Тютин Павел Николаевич — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти машинасозлик кафедрасининг профессори.

Утениязов Алланияз — Нукус тумани 4-сон ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси.

Қаюмова Мастура Мамасодиқовна — Тошкент шаҳар 278-ўрта мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари.

Фидокорона хизмати, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Брим Георгий Робертович — М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг доценти, саҳналаштирувчи рассом.

Давирова Гулчеҳра Хидировна — Гулистон давлат университети «Педагогика ва психология» кафедрасининг мудири.

Жураев Аминжон — Жиззах давлат педагогика институти «Ўзбек адабиёти» кафедрасининг профессори.

Иброҳимов Рисқинбой — Наманган давлат университети математик-таҳлил кафедрасининг ўқитувчиси.

Коннов Анатолий Александрович — Қарши шаҳар 23-ўрта мактаб директори, Қашқадарё вилояти.

Носиров Собиржон Носирович — Қўқон Давлат педагогика институти «Олий математика» кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Петроченко Заира Усмановна — Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника бўйича Давлат қўмитаси бошқармасининг бошлиғи.

Саримсоқов Тошмуҳаммад Алиевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми маслаҳатчиси.

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдалимов Дараб — Сирдарё педагогика билим юртининг меҳнат таълими ўқитувчиси.

Абдураззоқова Раъно Кенжаевна — Сурхондарё вилояти Бойсун тумани болалар уйи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари.

Абдурашидов Қобул Содиқович — Тошкент меъморчилик-қурилиш институтининг механик қурилмалар ва сейсмологик иншоотлар кафедраси мудири.

Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич — Тошкент давлат техника университетининг кафедра мудири.

Абдуназарова Соня Авазовна — Қарши шаҳар «Нодира» болалар боғчаси мудираси, Қашқадарё вилояти.

Атаматов Абдуваҳоб Ибрагимович — Тошкент вилояти Давлат педагогика институти «Математика» кафедрасининг катта ўқитувчиси.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори

Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Узбек тилининг асосий имло қоидалари тасдиқлансин (илова қилинади).
2. Республика вазирликлари, идоралари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, оммавий ахборот воситалари лотин ёзувига асосланган узбек алифбосидаги барча турдаги ёзишмаларда, матбуотда, иш юритишда ушбу қоидаларни жорий қилиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.
3. Узбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси уч ой муддат ичида мактаблар учун қўлланма сифатида узбек тилининг имло луғатини, киши исмлари ва жой номлари луғатларини тайёрласинлар ва нашр этиш чораларини кўрсинлар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва фан ҳамда Ижтимоий масалалар ва маданият бўлимларига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. Каримов.

ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИ

A a (a)	Q q (qe)
B b (be)	R r (er)
D d (de)	S s (es)
E e (e)	T t (te)
F f (ef)	U u (u)
G g (ge)	V v (ve)
H h (he)	Xx (xe)
I i (i)	Y y (ye)
J j (je)	Z z (ze)
K k (ke)	O'o' (o')
L l (el)	G' g' (g'e)
M m (em)	Sh sh (she)
N n (en)	Ch ch (che)
O o (o)	Ng ng (nge)
P p (pe)	

«Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» ни 2-, 3-саҳифаларда ўқийсиз.

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ ЯНГИ БИНОДА

Маълумки, ўтган йили Президентимиз Фармони билан Тошкентнинг Эски шаҳар қисми қиёфасини янгилашга киришилиб, у ерда бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Бу Фармон қатор илм масканларига тааллуқли бўлиб, улар ичида Абдуллахўжа Муродхўжаев номидаги 23-ўрта мактаб ҳам бор эди. Мактаб стадиони, барча ўқув хоналари, спорт заллари қайта таъмирланди, ён-атрофлари тартибга келтирилди. Мактаб 4-, 5-, 7-қурилиш бошқармалари ва қўплаб ташкилотлар ёрдамида ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

1 сентябрь куни Соат 8.30 да ўғил-қизлар синфхоналарга йўл олиш учун мактаб ҳовлисига тўпланишди.

Тантанани мактаб директори Шаҳодат Абдураҳмонова очди. Мактаб раҳбари йиғилганларни қўшалоқ байрам — Мустақиллик куни ва Янги ўқув йили билан муборакбод этиб, илм масканини қайта таъмирлашда иштирок этганларнинг барчасига ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Тантанага ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев билим маскани аҳлини янги ўқув йили билан табриклади. Мактабнинг жамиятдаги ва мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлашдаги бебаҳо ўрни ҳақида сўз юритди, келажаги буюк давлат ўғил-қизларини тарбиялаб етиштиришдек шарафли ишда педагогик жамоага муваффақиятлар тилади.

Илм масканининг олий тоифали ўқитувчиси Лилия Биаслонова, Мавороуннаҳр мусулмонлари диний назорат бошқармаси раиси, муфти Мухторжон Ҳожи ҳазратлари, собиқ ўқувчи Зиёдулло Йўлчиев оила, мактаб тарбияси, устоз ва шогирдлар анъанаси, ўқувчининг бурч ва вазифалари, илмнинг нурли йўллари хусусида гапирдилар.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев эса халқ таълим фидойилари меҳнати ҳақида сўзлади. У мактаб таъмирида ва уни янги ўқув йилига тайёрлашда алоҳида жонбозлик кўрсатган ўқитувчилар — Насиба Оппоқхўжаева, Абсалом Саидкамолов, Гулнора Изокуноваларни «Шаҳар халқ таълими фидойиси» нишони ҳамда бир ойлик пул мукофатлари билан тақдирлади.

Тантанали йиғинда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, вазир муовини Муртазо Султонов, Собир Раҳимов тумани ҳокими Комилжон Тошпулатов, Абдулла Авлоний номидаги Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректори Ғайрат Шоумаров иштирок этишди.

Шодиёнадан сўнг илм маскани ҳовлисини биринчи қўнғироқ жаранги тутди. Даврадаги нурли чеҳралар биринкетин синфхоналарга йўл олишди. Шу онда ҳамма-ҳамманинг қалби мисоли мавжли тўлқин каби энтикиб тушгандай бўлди. Бу биз — катталарни ҳам болаликка чорлаган садо эди...

Мустақиллик дарси. Барча синфларда шу мавзу бўйича машғулотлар давом этди. Меҳмонлар дарсларда қатнашиб, ўқувчиларга саволлар беришди. Ўзлари эса яна бир карра устозлар синовидан ўтдилар. Хуллас, янги ўқув йили бошланиши муносабати билан устозларга яна бир бор эҳтиром бажо келтирилди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.

МАШЪАЛА ЎЗБЕКЧАСИГА ЁҚИЛДИ

Спорт мусобақаларининг бундай ғузал очилиш маросими, очиғи, мустақил Узбекистонимизда илк бор содир бўлди. Унда иштирок этган меҳмонларни айтмайсизми? Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч, Осиё Олимпия Кенгашининг Бош котиби жаноб Сингх каби таниқли меҳмонлар...

Маросимни Узбекистон Президенти Ислом Каримов очди ва мусобақа қатнашчиларини қутлади. Хуан Антонио Самаранч ҳам барча қатнашчиларга, жумладан, Узбекистон халқига, Президентига муваффақият тилади.

Олимпиада ўйинлари оловини ҳар бир давлат ўзига хос ёқишга ҳаракат қилади. Самаранч бундай тадбирларнинг кўпини кўрган бўлсада, лекин узбекча машъала ёқишни ҳеч тасаввур қилмаган бўлса керак. Кўпчилик майдонда ва ойнаи жаҳонда бу манзарани кўрган бўлиши мумкин. Унда машҳур дорбоз Тошкенбоев дор орқали Афинадан келтирилган машъалани олиб, Марказий Осиё ўйинларининг катта машъаласи томон йўналди. Спорт устаси Тошкенбоев оловни олиб боргунга қадар бўлган фурсатда майдонда ўтирган ватандошлар кукси ажиб бир ғурур ва ифтихорга тўлди. Маросимнинг энг ажойиб жойи ҳам шуниси бўлди, десак хато бўлмас. Хориждан келган журналистлар ҳам бунинг ўзига хослиги ҳақида илиқ фикрлар айтишди. Аниқлашимизча, бу ғоя, аввало, Узбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси раиси Собир Рўзиевдан чиққан, тадбир режиссёри ҳам шундай фикрда бўлган. Илло, уларнинг бундай изланувчанлиги, ватанпарварлиги асло сўнмасин. Катта машъалани эса бокс бўйича жаҳон кубоги ғолиби Наримон Отаев ёқди.

Байрамнинг сўнгидаги мушакбозлик эса очилиш маросимининг ғузал интиҳоси, Марказий Осиё ўйинларининг ёрқин ибтидоси бўлди.

Марказий Осиё ўйинларида спортнинг 12 тури — эркин кураш, юнон-рум кураши, сузиш, баскетбол, волейбол, енгил атлетика, қиличбозлик, теннис, ўқ отиш, велоспорт, оғир атлетика, бокс бўйича мусобақалар ўтказиладиган бўлди.

Шаҳардаги барча спорт иншоотлари, меҳмонхоналар, кўчалар қатнашчиларни қабул қилиб олди. Тайёргарлик юқори савияда деб баҳоланмоқда.

Айни кунда мусобақалар авжида. Айрим мусобақаларга якун ясалди. Ўйинлар натижаларини эълон қилмоқдамиз.

(Давоми 4-бетда).

ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш, давлат мудофаа қудратининг асоси бўлган иқтисодиётни мустаҳкамлаш — Ўзбекистон раҳбариятининг асосий ишларидан биридир.

Сўнгги даврда республикамизда қўшинларнинг энг муҳим турлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган бир қанча ҳарбий ўқув юртлари ташкил этилди.

2 сентябрь куни Тошкентда Узбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясини очиш маросими бўлди. Бу воқеа мамлакатимиз Президенти, ҳукумати тинчлик ва барқарорликни таъминлашга доимий эътибор бераётганига яна бир ёрқин мисолдир. Мазкур тантана мамлакатимиз мустақиллигининг тўрт йиллиги нишонланаётган кунга тўғри келгани ҳам рамзий маънога эга.

Марказий Осиёдаги бу ягона олий ўқув юрти — Қуролли Кучлар академиясини очишга бағишланган тантанали маросимда Узбекистон Президенти, республика Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримов иштирок этди.

Бу воқеага бағишланган тантанали йиғилишни республика мудофаа вазири генерал-лейтенант Р. Аҳмедов кириш сўзи билан очди.

Узбекистон Президенти, республика Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримов йиғилишда сўзга чиқиб, Қуролли Кучлар академиясининг ташкил этилиши мамлакат ва халқ ҳаётида тарихий аҳамиятга моликлигини таъкидлади. Давлат бошлиғи бу ерда тўпланганларни мазкур ўқув юртининг очилиши билан табриклади ҳамда Қуролли Кучлар академиясининг очилиши мустақилликнинг тўрт йиллиги шонли байрами вақтига тўғри келганини алоҳида таъкидлаб, ҳарбий академия тингловчилари мамлакат мудофаа қобилиятини, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшадилар, ҳамиша ўз халқига, ватанига садоқат билан хизмат қилиш намунасини кўрсатадилар, деб ишонч билдирди.

Сўнгра йиғилишда сўзга чиққан академия тингловчиси подполковник Б. Тошматов, АҚШ Мудофаа вазирлигининг масъул ходими Элизабет Шервуд, Украинанинг Узбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В. Сметанин, академия бошлиғи, генерал-майор В. Маҳмудов Қуролли Кучлар академиясининг ташкил этилиши мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга экани, бу ўқув юрти ёш мустақил Узбекистоннинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшажаги ҳақида гапирдилар.

Академиянинг очилишига бағишланган тантанали йиғилишда Узбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов, Бош вазир ўринбосарлари Ю. Пайгин, С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов, Узбекистондаги дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

(ЎзА мухбири).

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339- сон қарорига илова

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АСОСИЙ ИМЛО ҚОИДАЛАРИ

Ҳарфлар имлоси

Унлилар имлоси

1. А а ҳарфи:

1) aka, alanga, aloqa, og`a; sentabr, noyabr каби сўзларда олд қатор кенг унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) bahor, zamon; savol, gavda; vasvasa каби сўзларнинг олдинги бўғинида, vaqt, vahm каби сўзларда а айтилади ва ёзилади.

2. О о ҳарфи:

1) ona, omon, quyosh, fido, baho, xola, lotin; mukofot, mahorat каби сўзларда орқа қатор кенг унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) boks, poyezd, tonna, talon; agronom, mikrofon; direktor, termos каби ўзлашма сўзлардаги унлини ифодалаш учун ёзилади.

3. І і ҳарфи:

1) ish, iz, qil; xirmon, ilhom, ikki, ixtisos, shoyi, tulki; volida, piramida; bilan, biroq, sira, qishloq, chiroq каби сўзларда олд қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) o`tin, o`rik, bo`lim каби олдинги бўғинида о` унлиси келадиган сўзларнинг кейинги бўғинида і айтилади ва ёзилади.

4. U u ҳарфи:

1) uy, kun; buzoq, buloq, Buxoro; butun, uchuq, usul, yulduz; mafkura; ko`zgu, uyqu; aluminiy, yubiley каби сўзларда орқа қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) qovun, sovun, tovush, yovuz, qirg`ovul, chirmovuq каби сўзларнинг олдинги бўғинида о унлиси келса, кейинги ёпиқ бўғин бошидаги v ундошидан кейин u айтилади ва ёзилади.

5. O` o` ҳарфи o`t, o`q, o`zbek, o`simlik, do`ppi; bo`tako`z, semizo`t, gulko`rpa, noo`rin каби сўзларда орқа қатор ўрта-кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

6. Е е ҳарфи ekin, esla, evara, ekran, eksport; kel, zehn; kecha, behi; telefon, teatr; poyezd, atelye; e'lon, ne'mat, she'r каби сўзларда олд қатор ўрта-кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

7. Ёнма-ён келадиган унлилар имлоси:

1) унлилар орасига баъзан у ундоши қўшиб айтилса ҳам, ёзилмайди:

а) ia: material, milliard, radiator; tabiat, shariat каби;

б) io: biologiya, million, stadion, radio каби;

в) ai: mozaika, ukrain, said, maishat каби;

г) oi: alkoloid, ellipsoid, doim, shoir, oila каби;

д) ea: teatr, okean, laureat каби.

2) ae, oe унлилари сўз ичида келганда иккинчи унли у айтилса ҳам, аслига мувофиқ е ёзилади: aerostat, poema каби.

Бошқа ҳолларда ёнма-ён келган унлилар одатда айнан айтилади ва ёзилади: manfaat, kauchuk, aorta, saodat, burjua, shuaro, inshoot, sanoat, vakuum, muammo, matbuot, tabiiy, rioya ва бошқалар.

Ундошлар имлоси

8. В b ҳарфи:

1) bobo, bahor, bir, majbur, zarb каби сўзларда жарангли портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) kitob, yuzlab, kelib каби сўзлар охирида р айтилса ҳам, b ёзилади;

3) qibla, tobla каби сўзларда баъзан v айтилса ҳам, b ёзилади.

9. Р р ҳарфи paxta, pichoq, opa, tepa, tup, yop каби сўзларда жарангсиз портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади.

10 V v ҳарфи:

1) ov, suv, kuyov; ovoz, savol; volida, vatan каби сўзларда овоздор сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) avtobus, avtomat каби ўзлашма сўзларда v баъзан f айтилса ҳам, v ёзилади.

11. F f ҳарфи:

1) fan, fe'l, futbol, fizika; asfalt, juft; insof, isrof каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) fasl, fayz, Fotima, fursat каби сўзларда f товуши баъзан р айтилса ҳам, аслига мувофиқ f ёзилади.

12. М m ҳарфи moy, muborak, tomon, ilhom каби сўзларда овоздор лаб-лаб бурун ундошини ифодалаш учун ёзилади.

13. D d ҳарфи:

1) dala, odat, bunyod, modda, jiddiy каби сўзларда тил олди жарангли портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади;

2) obod, savod, marvarid; zavod, pud, sud; badqovoq, babxo`r каби сўзларда t айтилса ҳам, d ёзилади.

14. Т t ҳарфи tong, tun; butun, o`tin, o`t, kut каби сўзларда тил олди жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

15. Z z ҳарфи:

1) zar, zamon; toza, o`zbek; yoz, g`oz каби сўзларда тил олди жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади;

2) iztirob, izquvar, bo`zchi, tuzsiz каби сўзларда жарангсиз ундошдан олдин s айтилса ҳам, z ёзилади.

16. S s ҳарфи sog`, somon, oson, asos, olmos каби сўзларда тил олди жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

17. Sh sh ҳарфлар бирикмаси shahar, shisha, shodlik; ishq, pishiq; bosh, tosh каби сўзларда тил олди жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

Sh ҳарфлари икки товушни ифодаласа, улар орасига ' тутуқ белгиси қўйилади: Is'hoq, as'hob каби.

18. J j ҳарфи:

1) jon, jahon, jiyda, tijorat; rivoj, vaj каби сўзларда тил олди жарангли қоришиқ ундошни ифодалаш учун ёзилади;

2) jurnal, projektor; gijda, ajdar; garaj, tiraj каби ўзлашма сўзларда тил олди жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

19. Ch ch ҳарфлар бирикмаси choy, chevar, chiroyli, chaman; achchiq, uchun, bichiqchi; kuch, kech каби сўзларда тил олди жарангсиз қоришиқ ундошни ифодалаш учун ёзилади.

20. R r ҳарфи rahmat, rohat, orom, doira, bor, diyor каби сўзларда тил олди овоздор титроқ ундошни ифодалаш учун ёзилади.

21. L l ҳарфи lola, loyiq, la'l, iloj, mahal каби сўзларда сирғалувчи овоздор ён ундошни ифодалаш учун ёзилади.

22. N n ҳарфи:

1) non, nomus; ona, tana; bilan, tomon каби сўзларда тил олди овоздор бурун ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) shanba, yonbosh, jonbozlik; yonma-yon, ko`rinmaslik каби сўзларда n товуши баъзан m айтилса ҳам, n ёзилади.

23. G g ҳарфи gul, go`zal; ega, gugurt; teg, eg каби сўзларда тил орқа жарангли портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

24. K k ҳарфи ko`l, ko`ylak; uka, moki; tok, bilak каби сўзларда тил орқа жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

25. Y y ҳарфи yo`l, yigit, yetti, yaxshi, yoz, yulduz; tuya, dunyo, tayyor; soy, tuy каби сўзларда тил ўрта сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

26. Ng ng ҳарфлар бирикмаси yangi, ko`ngil, dengiz, singil, keling, bordingiz; tong, ming, teng каби сўзларда тил орқа овоздор бурун товушини ифодалаш учун ёзилади.

27. Q q ҳарфи qizil, qimiz, qirq, haqiqiy, aql каби сўзларда чуқур тил орқа жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

28. G` g` ҳарфи g`oz, bag`ir, tog` каби сўзларда чуқур тил орқа жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

29. X x ҳарфи xabar, xo`roz, xohish, xushnud, baxt, axborot, mix каби сўзларда чуқур тил орқа жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

30. H h ҳарфи hosil, hamma, bahor; isloh, nikoh каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи бўғиз ундошини ифодалаш учун ёзилади.

31. Ёнма-ён келадиган ундошларнинг имлоси:

1) baland, Samarqand, poyezd; do`st, past, artist, g`isht каби сўзларда d, t товуши баъзан айтилмаса ҳам, ёзилади;

2) metall, kilogramm, kilovatt, kongress каби ўзлашма сўзлар охирида бир ундош айтилса ҳам, икки ҳарф ёзилади. Лекин бундай сўзга худди шу товуш билан бошланадиган қисм қўшилса, сўз охиридаги бир ҳарф ёзилмайди: metall+lar=metallar, kilogramm+mi=kilogrammi каби.

32. ' — тутуқ белгиси:

1) a'lo, ba'zan, ma'yus, ta'zim; ra'y, ta'b; e'lon, e'tibor, e'tiqod, me'mor, ne'mat, she'r, fe'l; Nu'mon, shu'la каби ўзлашма сўзларда унлидан кейин шу унли товушнинг чўзиқроқ айтилишини ифодалаш учун қўйилади; mo`jiza, mo`tadil, mo`tabar каби сўзларда о` унлиси чўзиқроқ айтилса ҳам, тутуқ белгиси қўйилмайди;

2) in'om, san'at, qat'iy, mas'ul каби ўзлашма сўзларда унлидан олдин шу унли олдинги ундош товушдан ажратиб айтилишини ифодалаш учун қўйилади.

Асос ва қўшимчалар имлоси

33. Қўшимча қўшилиши билан сўз охиридаги унли ўзгаради:

1) а унлиси билан тугаган феълларга -v, -q, -qi қўшимчаси қўшилганда а унлиси о айтилади ва шундай ёзилади: sayla — saylov, sina — sinov, aya — ayovsiz; so`ra — so`roq, bo`ya — bo`yoq; o`yna — o`ynoqi, sayra — sayroqi каби;

2) і унлиси билан тугаган кўпчилик феълларга -v, -q қўшимчаси қўшилганда бу унли u айтилади ва шундай ёзилади: o`qi — o`quvchi, qazi — qazuvchi, sovi — sovuq каби. Лекин і унлиси билан тугаган айрим феълларга -q қўшимчаси қўшилганда бу унли і айтилади ва шундай ёзилади: og`ri — og`riq, qavi — qaviq каби.

Эслатма:

1) ундош билан тугаган барча феълларга -uv қўшилади: ol — oluv, yoz — yozuv каби;

2) ундош билан тугаб, таркибида u унлиси бор феълга -uq қўшилади: uz — uzuq, yut — yutuq каби. Лекин uyushiq, burushiq, uchuriq (шунингдек bulduriq) каби сўзларнинг учинчи бўғинида і айтилади ва шундай ёзилади.

34. K, q ундоши билан тугаган кўп бўғинли сўзларга, шунингдек, bek, yo`q каби айрим бир бўғинли сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда k ундоши g ундошига, q ундоши g` ундошига айланади ва шундай ёзилади: tilak — tilaging, yurak — yuragim, kubok — kubogi, bek — begi; tayoq — tayog`i, qoshiq — qoshig`i, yaxshiroq — yaxshirog`i, yo`q — yo`g`i каби. Лекин кўп бўғинли ўзлашма сўзларга, бир бўғинли кўпчилик сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда k, q товуши аслича айтилади ва ёзилади: ishtirok — ishtiroki, ocherk — ocherki, erk — erki, huquq — huquqim, ravnaq — ravnaqi, yuq — yuqi каби.

35. Қуйидаги қўшимчалар қўшилиши билан сўзнинг таркибида товуш тушади ёки ортади:

1) o`rin, qorin, burun, o`g`il, bo`yin, ko`ngil каби баъзи сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, qayir, ayir каби феълларга нисбат шаклини ясовчи -il қўшимчаси қўшилганда, ikki, olti, yetti сўзларига -ov, -ala қўшимчалари қўшилганда иккинчи бўғиндаги унли айтилмайди ва ёзилмайди: o`rin — o`rnim, qorin — qorni, burun — burning, o`g`il — o`g`ling, ko`ngil — ko`ngli, yarim — yarmi; qayir — qayril, ulug` — ulg`ay, sariq — sarg`ay, ikki — ikkov, ikki — ikkala, yetti — yettov каби;

2) u, bu, shu, o`sha олмошларига -da, -dan, -day, -dagi, -ga, -gacha, -cha қўшимчалари қўшилганда n товуши қўшиб айтилади ва шундай ёзилади: unda, bunday, shunda, o`shancha каби; бу олмошларга эгалик қўшимчалари қуйидагича қўшилади: buningiz, o`shanisi каби;

3) o, o`, u, e унлилари билан тугайдиган сўзларга эгалик қўшимчалари қуйидагича қўшилади:

а) кўпчилик сўзларга эгалик қўшимчалари -m, -ng, -si; -miz, -ngiz, -si (ёки -lari) шаклида товуш орттирмай қўшилади: bobom, bobong, bobosi, bobomiz, bobongiz, bobosi (ёки bobolari); orzum, orzung, orzusi; orzumiz, orzungiz, orzusi каби;

б) parvo, obro`, mavqe, mavzu, avzo сўзларига I, II шахс эгалик қўшимчалари қўшилганда бир у товуши қўшиб айтилади ва шундай ёзилади: parvoyim, parvoying; parvoyimiz, parvoyingiz; obro`yim, obro`ying; obro`yimiz, obro`yingiz каби; III шахс эгалик қўшимчаси parvo, avzo, obro`, mavqe сўзларига -yi шаклида, xudo, mavzu сўзларига эса -si шаклида қўшилади: avzoyi, mavzusi каби (dohiy каби у ундоши билан тугаган сўзга ҳам III шахсда -si қўшилади: dohiysi каби);

4) men, sen олмошларига -ni, -ning, -niki қўшимчалари қўшилганда қўшимчадаги n товуши айтилмайди ва ёзилмайди: meni, mening, meniki; seni, sening, seniki каби.

36. Қуйидаги қўшимчаларнинг биринчи товуши икки хил айтилса ҳам, бир хил ёзилади:

1) -bon, -boz қўшимчалари баъзан -von, -voz айтилса ҳам, ҳамма вақт -bon, -boz ёзилади: darvozabon, masxaraboz каби. Лекин -vachcha қўшимчаси ҳамма вақт шундай айтилади ва ёзилади: amakivachcha, xolavachcha каби;

2) ўрин келишиги ва чиқиш келишиги қўшимчасининг, ўтган замон ясовчиси ва III шахс кўрсаткичи -di қўшимчасининг бошидаги ундош баъзан t айтилса ҳам, ҳамма вақт d ёзилади; ishda, misdan, ketdi, kelmabdi каби.

37. Қуйидаги қўшимчаларнинг бош товуши икки ёки уч хил айтилади ва шундай ёзилади:

1) тақлид сўзлардан феъл ясовчи -illa (chirilla, taqilla) қўшимчаси сўз таркибида v ёки u товуши бўлганда -ulla айтилади ва шундай ёзилади: shovulla, lovulla, gurulla каби;

2) нисбат шаклини ясовчи -dir қўшимчаси жарангли ундош билан тугаган бир бўғинли сўзларга (kel сўзидан бошқа), шунингдек, z ундоши билан тугаган орттирма нисбат ясовчисидан кейин қўшилади: quvdir, egdir, kuldir, yondir; o`tkazdir, tomizdir каби. Қолган барча ҳолларда бу қўшимча -tir айтилади ва шундай ёзилади: tiktir, kestir, uyaltir, chaqirtir каби;

3) жўналиш келишиги қўшимчаси -ga, чегара билдирувчи -gacha, равишдош шаклини ясовчи -gach, -guncha, -gani, -gudek, сифатдош шаклини ясовчи -gan, буйруқ майлининг иккинчи шахс кўрсаткичи -gin, шунингдек -gina қўшимчаси уч хил айтилади ва шундай ёзилади:

а) k ундоши билан тугаган сўзларга қўшилганда бу қўшимчаларнинг бош товуши k айтилади ва шундай ёзилади: tokka, yo`lakkacha, ko`nikkach, zerikkuncha, to`kkani, kechikkudek, bukkan, ekkin, kichikkina каби;

б) q ундоши билан тугаган сўзларга қўшилганда бу қўшимчаларнинг бош товуши q айтилади ва шундай ёзилади: chopiqqa, qishloqqacha, yoqqach, chiqquncha, chiniqqani, qo`rqqudek, achchiqqina каби;

в) қолган барча ҳолларда, сўз қандай товуш билан тугашидан ва бу қўшимчаларнинг бош товуши k ёки q айтилишидан қатъий назар, g ёзилади: bargga, pedagogga, bug`ga, sog`ga, og`gan, sig`guncha каби.

Қўшиб ёзиш

38. Xona, noma, poya, bop, xush, ham, baxsh, kam, umum, rang, mijoz, sifat, talab каби сўзлар ёрдамида ясалган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: qabulxona, tabriknoma, taklifnoma, bedapoya, ommabop, xushxabar, hamsuhbat, orombaxsh, kamquvvat, bug`doyrang, umumxalq, sovuqmijoz, devsifat, suvtalab каби.

39. -(a)r (инкор шакли — -mas) қўшимчаси билан тугайдиган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: o`rinbosar, otboqar, cho`lquvar, ishyoqmas, qushqo`nmas каби.

40. Такрор тақлид сўзларга қўшимча қўшиш билан ясалган от ва феъллар қўшиб ёзилади: pirpirak (pir-pir+ak), bizbizak (biz-biz+ak), hayhayla (hay-hay+la), gijgijla (gij-gij+la) каби.

41. Нарсани (предметни) бошқа бирор нарсага нисбатлаш (қиёслаш), ўхшатиш йўли билан билдирувчи қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: karnaygul, qo`ziqorin, otquloq, oybolta, devqomat, sheryurak, bodomqovoq, qirg`iyko`z каби.

42. Нарсани унинг ранги, мазаси, ўзидаги бирор нарсаси ва шу каби белгилари асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: olaqarg`a, qizilishton, achchiqtosh, ningoyoq каби.

43. Нарсанинг бирор мақсад, иш учун мўлжалланганлигини билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: kirsovun, qiymataxta, tokqaychi, oshrayhon, molqo`ra, nosqovoq, ko`zoynak каби.

44. Нарсани жойга нисбат бериш асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: tog`olcha, cho`lyalpiz, suvilon, qashqargul каби.

45. Маросим, афсона кабиларни билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: kiryuvdi, kelintushdi, qoryog`di, Urto`qmoq, Ochildasturxon каби.

46. Қаратувчили бирикманинг бир сўзга айланиши билан юзага келган қўшма отлар қўшиб ёзилади: mingboshi, so`zboshi, olmaqoqi каби.

47. Иккинчи қисми турдош от билан ёки obod сўзи билан ифодаланган жой номлари қўшиб ёзилади: Yangiyo`l, To`rtko`l, Mirzacho`l, Sirdaryo, Kosonsoy, Yangiobod, Xalqobod каби. Лекин иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номлари ажратиб ёзилади: O`rta Osiyo, Ko`hna Urganch, O`rta Chirchiq каби.

48. Рус тилидан айнан ўзлаштирилган ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ҳосил қилинган қўшма сўзлар қўшиб ёзилади: kinoteatr, radiostansiya, fotoapparat, elektrotexnika; teleko`rsatuv, yarimavtomat, bayramoldi, suvosti каби.

49. Қисқартмаларнинг барча турлари ва уларга қўшиладиган қўшимчалар қўшиб ёзилади: SamDU, ToshDUning каби. Лекин ёнма-ён келган икки қисқартма ажратиб ёзилади: O`zXDP MK (O`zbekiston Xalq demokratik partiyasi markaziy kengashi) каби.

50. Бир товуш икки ва ундан ортиқ товуш тарзида айтилса, бундай ҳолат ҳарфни такрор ёзиш билан кўрсатилади: yo`o`q, nimaa, himm, ufff каби.

Чизиқча билан ёзиш

51. Жуфт сўз ва такрор сўз қисмлари чизиқча билан ёзилади: el-yurt, mehr-shafqat, qovun-tarvuz, omon-eson, kecha-kunduz, yozin-qishin, asta-sekin, uch-to`rt, o`n-o`n beshta (10-15 та), bilinar-bilinmas, bordi-keldi, kuydi-pishdi, don-dun, oz-moz, mayda-chuyda, aldab-suldab, o`ylab-netib, so`ramay-netmay, kiyim-kechak, adi-badi, ikir-chikir, duk-duk, taq-tuq, qop-qop, ming-ming (ming-minglab), bitta-bitta (bitta-bittalab), baland-baland, chopa-chopa, ishlay-ishlay, yaqin-yaqinlargacha, hamma-hammasi, uy-uyiga, ich-ichidan каби.

Эслатма:

1) жуфт сўздан қўшимча ёрдамида ясалган сўзлар ҳам чизиқча билан ёзилади: baxt-saodatli, xayr-xo`shlashmoq каби;

2) жуфт сўз қисмлари орасида -u(-yu) боғловчиси келса, ундан олдин чизиқча қўйилади ва жуфт сўз қисмлари ажратиб ёзилади: do`st-u dushman (do`st-dushman), kecha-yu kunduz (kecha-kunduz) каби;

3) етакчи ва кўмакчи феъл бир хил шаклда бўлса, чизиқча билан ёзилади: yozdi-oldi, borasan-qo`yasan, uxlabman-qolibman каби.

52. Белгини кучайтирувчи qip-qizil, yam-yashil, dum-dumaloq, kuppa-kunduzi, to`ppa-to`g`ri, bab-baravar каби сўз шакллари чизиқча билан ёзилади (лекин орроq сўзи қўшиб ёзилади).

53. Сўзнинг -ma, ba- ёрдамида бирлашган қисмлари чизиқча билан ёзилади: ko`chama-ko`cha, uyma-uy, rang-barang, dam-badam каби. Лекин мустақил ишлатилмайдиган қисм қатнашса, бундай сўзлар қўшиб ёзилади: ro`baro`, darbadar каби.

54. Рус тилидан айнан ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан олинган сўзлар аслига мувофиқ чизиқча билан ёзилади: unter-ofitser, kilovatt-soat каби.

55. -chi, -a (-ya), -ku, -u (-yu), -da, -e, -ey (-yey) юкламалари чизиқча билан ёзилади: sen-chi, boraylik-chi, sen-a, kutaman-a, bola-ya, mingta-ya, keldi-ku, kelgan-u, yaxshi-yu, yaxshi-da, qo`y-e, yashang-e, o`g`lim-ey, keldi-yey каби. Аммо -mi, oq(-yoq), -ov(-yov), -gina (-kina, -qina) юкламалари ўзидан олдин келган сўзга қўшиб ёзилади: keldimi?, keliboq, o`ziyoq, ko`rganov, ko`rdiyov, mengina, qo`shiqqina каби.

56. Тартиб сон араб рақамлари билан ёзилса, -nchi қўшимчаси ўрнига чизиқча (-) қўйилади: 7-sinf, 5-«А» sinfi, 3-, 7-, 8-sinf o`quvchilari, 60-yillar, 1991-yilning 1-sentabri каби. Тартиб сонни кўрсатувчи рим рақамларидан кейин чизиқча ёзилмайди: XX asr, X sinf каби.

Ажратиб ёзиш

57. Қўшма феълнинг қисмлари ажратиб ёзилади: sarf qil, ta'sir et, tamom bo`l, sotib ol, olib kel, olib chiq, miq etma каби.

58. Кўмакчи феъл ва тўлиқсиз феъл мустақил феълдан ажратиб ёзилади: aytib ber, olib ko`r, so`rab qo`y, ko`ra qol, bera boshla, yiqila yozdi; ketgan edi, ketgan ekan, ketgan emish каби. Лекин мустақил феъл билан ёрдамчи феъл орасида товуш ўзгариши бўлса, бундай қисмлар қўшиб ёзилади: aytaver (ayta ber), boroladi (bora oladi), bilarkan (bilar ekan) каби.

59. Кўмакчилар ажратиб ёзилади: shu bilan, soat sayin, borgan sari, bu qadar, kun bo`yi каби. Лекин bilan кўмакчисининг -la шакли, uchun кўмакчисининг -chun шакли чизиқча билан ёзилади: sen-la, sen-chun каби.

60. Hamma, har, hech, bir, qay, u, bu, shu, o`sha сўзлари ўзидан кейинги ёки олдинги сўздан ажратиб ёзилади: hamma vaqt, har kim, hech qaysi, qay kuni, u yerda, shu yoqdan, o`sha yoqqa каби. Лекин birpas, biroz, birato`la, birvarakayiga, bihmuncha, buyon сўзлари қўшиб ёзилади. Шунингдек, qay сўзи yoq, yer сўзлари билан ишлатилганда бир у товуши тушса, бу сўзлар қўшиб ёзилади: qayoqqa, qayerda каби.

61. Сифат олдидан келиб, белгининг ортиқ ёки камлигини билдирадиган to`q, jiqqa, tim, liq, lang, och каби сўзлар ажратиб ёзилади: to`q qizil, jiqqa ho`l, tim qora, liq to`la, lang ochiq, och sariq каби.

62. Мураккаб сон қисмлари ажратиб ёзилади: o`n bir, besh yuz, qirq ming olti yuz bir, bir ming yetti yuz sakson beshinchi каби.

63. Yildan yilga, tomdan tomga каби биринчи қисми чиқиш келишигида, иккинчи қисми жўналиш келишигида бўлган бирикмалар ажратиб ёзилади.

64. Белгининг ортиқ даражасини билдирувчи ko`pdan ko`p, tekindan tekin, yangidan yangi, ochiqdan ochiq, qizigandan qizidi кабилар ажратиб ёзилади.

65. Изофали бирикмалар ажратиб ёзилади. Бунда изофа ундош билан тугаган сўзларга і шаклида, унли билан тугаган сўзларга yi шаклида қўшилади: dardi bedavo, nuqtayi nazar, tarjimayi hol каби. Лекин изофа ёзилмайдиган сўзлар, шунингдек, қисмларидан бири ёки ҳар иккиси ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган сўзлар қўшиб ёзилади: gulbeor (guli beor), dardisar каби.

Бош ҳарфлар имлоси

66. Кишининг исми, ота исми, фамилияси, тахаллуси, рамзий атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: Dilbar, O`rinova, Muhabbat Majidovna, Azamat Shuhrat o`g`li, Hamza Hakimzoda, Muhammadsharif So`fizoda, Mannon Otaboy, Navoiy, Furqat, Yelpig`ichxon, Salomjon Alikov каби.

67. Жой номлари бош ҳарф билан бошланади: Andijon, Yangiyo`l (шаҳарлар), Naymancha, Buloqboshi (қишлоқлар), Bodomzor, Chig`atoy (маҳаллалар), Zavraq (дара), Yarqoq (яйлов), Qoratog`, Pomir (тоғлар), Oqtepa, Uchtepa (тепалар), Zarafshon, Sirdaryo (дарёлар), Yoyilma (канал), Turkiya, Hindiston (мамлакатлар) каби. Бундай атоқли от таркибидаги сифатловчи ҳам бош ҳарф билан ёзилади: Shimoliy Kavkaz, Markaziy Qizilqum каби.

68. Юлдуз ва сайёралар, бошқа хил осмон жисмларининг атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: Hulkar, Qavs, Mirrix (юлдуз ва сайёралар номи), Tinchlik dengizi (Ойдаги рельеф номи) каби. Yer, quyosh, ой турдош отлари сайёра номи бўлиб келгандагина бош ҳарф билан ёзилади: Yer Quyosh atrofida, Oy Yer atrofida aylanadi.

69. Маданий-маиший ва савдо корхоналарига, ада-

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АСОСИЙ ИМЛО ҚОИДАЛАРИ

биёт ва санъат асарларига, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига, шунингдек, транспорт воситалари, спорт иншоотларига қўйилган номлар бош ҳарф билан бошланади: «Tong» (меҳмонхона), «Saodat» (фирма), «Navro`z» (хайрия жамғармаси), «Kamalak» (матбаа бирлашмаси), «G`uncha» (боғча), «Botanika» (санаторий), «Paxtakor» (стадион), «Qutlug`qon» (роман), «Dilorom» (опера), «Tanovar» (куй), «Ozodlik» (ҳайкал), «Jasorat» (ёдгорлик), «Sino» (совутгич) каби.

70. Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: Mustaqillik kuni, Xotira kuni, Ramazon hayiti, Navro`z bayrami каби.

71. Давлатларнинг, давлат олий ташкилотлари ва мансабларининг, халқаро ташкилотларнинг номидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: O`zbekiston Respublikasi, Rossiya Federatsiyasi, Misr Arab Respublikasi, O`zbekiston Respublikasi Prezidenti, O`zbekiston Respublikasi Olij Majlisining Raisi, O`zbekiston Respublikasi Oliy Sudining Raisi, Birlashgan Millatlar Tashkiloti, Jahon Tinchlik Kengashi каби.

Бошқа таркибли номларда олий мансабни билдирувчи биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: Bosh vazirning o`rinbosari, Mudofaa vaziri, Yozuvchilar uyushmasi, O`zbekiston milliy tiklanish demokratik partiyasi каби.

Вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар номи таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: Sog`liqni saqlash vazirligi, Fan va texnika davlat qo`mitasi, Fanlar akademiyasi, Tilshunoslik instituti каби.

72. Давлатнинг олий даражали мукофоти номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: «O`zbekiston Qahramoni» (унвон), «Oltin Yulduz» (медаль). Бошқа мукофотлар, фахрий унвонлар, нишонлар номидаги биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: «Sog`lom avlod uchun» (орден), «O`zbekistonda xizmat ko`rsatgan fan arbobi» (фахрий унвон), «Matbaa a'lochisi» (нишон) каби.

73. Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади: Yer tagidan Muqaddasga bir qarab oldim (О. Ёқубов).

Эслатма:

1) кўчирма гапдан кейин келган муаллиф гапининг биринчи сўзи (агар у атоқли от бўлмаса) кичик ҳарф билан ёзилади: «Bu men», — qo`rqibgina javob berdi ko`laga (О. Ёқубов);

2) хатбошига гапнинг саналувчи қисмлари чиқарилганда бундай қисмлар олдидан чизиқ қўйилади ва улар кичик ҳарф билан ёзилади:

Ma`muriy huquqbuzarlik to`g`risidagi ishni ko`rishga tayyorlash vaqtida tegishli organ (mansabdor shaxs) quyidagi masalalarni:

mazkur ishni ko`rib chiqish uning huquq doirasiga kirish-kirmasligini;

ma`muriy huquqbuzarlik to`g`risidagi protokol va ishga oid boshqa materiallar to`g`ri tuzilgan-tuzilmaganligini... hal qiladi;

3) гапнинг қисмлари қавсли рақам ёки қавсли ҳарф қўйиб саналса, бундай қисмлар ҳам кичик ҳарф билан ёзилади:

Hozirgi o`zbek adabiy tilining lug`at boyligi asosan besh manba negizida tarkib topgan: 1) umumturkiy so`zlar, 2) o`zbekcha so`zlar, 3) tojik tilidan kirgan so`zlar, 4) arab tilidan kirgan so`zlar, 5) rus tilidan kirgan so`zlar («Ўзбек тили» дарслигидан).

74. Таркибли номларнинг бош ҳарфидан иборат қисқартмалар, атоқли от бўлмаган баъзи бирикмаларнинг қисқартмалари бош ҳарф билан ёзилади: AQSH (Amerika Qo`shma Shtatlari), BMT (Birlashgan Millatlar Tashkiloti), AES (atom elektr stansiyasi) каби. Қисқартма таркибида бўғинга тенг қисм бўлса, унинг биринчи ҳарфигина бош ҳарф билан ёзилади: ToshDTU (Toshkent davlat texnika universiteti) каби.

Кўчириш қоидалари

75. Кўп бўғинли сўзнинг олдинги сатрга сиғмай қолган қисми кейинги сатрга бўғинлаб кўчирилади: to`q-son, si-fatli, sifat-li, pax-takor, paxta-kor, каби. Тутуқ белгиси олдинги бўғинда қолдирилади: va'-da, ma'-rifat, mash'-al, in'-om каби.

76. Сўзнинг бош ёки охирги бўғини бир ҳарфдан иборат бўлса, улар қуйидагича кўчирилади:

1) сўз бошидаги бир ҳарфдан иборат бўғин ёлғиз ўзи олдинги сатрда қолдирилмайди: a-badiy эмас, aba-diy, e-shikdan эмас, eshik-dan каби;

2) сўз охиридаги бир ҳарфдан иборат бўғин ёлғиз ўзи кейинги сатрга кўчирилмайди: mudofa-a эмас, mudo-faa, matba-a эмас, mat-baa каби.

77. Ўзлашма сўзларнинг бўғинлари чегарасида келган икки ёки ундан ортиқ ундош қуйидагича кўчирилади:

1) икки ундош келса, улар кейинги сатрга биргаликда кўчирилади: dia-gramma, mono-grafiya каби;

2) уч ундош келса, биринчи ундош олдинги сатрда қолдирилиб, қолган икки ундош кейинги сатрга кўчирилади: silin-drik каби.

78. Бир товушни кўрсатувчи ҳарфлар бирикмаси (sh, ch, ng) биргаликда кўчирилади: pe-shayvon, pe-shona, mai-shat, pi-choq, bi-chiq-chi, si-ngil, de-ngiz каби.

79. Бош ҳарфлардан ёки бўғинга тенг қисм ва бош ҳарфдан иборат қисқартмалар, шунингдек, кўп хонали рақамлар сатрдан сатрга бўлиб кўчирилмайди: AQSH, BMT, ToshDU, 16, 245, 1994, XIX каби.

80. Ҳарфдан иборат шартли белги ўзи тегишли рақамдан ажратиб кўчирилмайди: 5- «A» sinfi, V «B» guruhi, 110 gr, 15 ga, 105 m, 25 sm, 90 mm каби.

81. Атоқли от таркибига кирадиган рақам номдан ажратилган ҳолда кейинги сатрга кўчирилмайди: «Navro`z-92» (фестиваль), «O`qituvchi-91» (кўрик-танлов), «Andijon-9», «Termiz-16» (ғўза навлари), «Boing-767» (самолёт), «Foton-774» (телевизор) каби.

82. A. J. Jabborov, A. D. Abduvaliyev кабиларда исмнинг ва ота исмининг биринчи ҳарфига тенг қисқартмалар фамилиядан ажратиб кўчирилмайди. Шунингдек, v. b. (va boshqalar), sh. k. (shu kabilar) сингари ҳарфий қисқартмалар ҳам олдинги сўздан ажратиб кўчирилмайди.

Биринчи дарс — мустақиллик дарси

ҚЎШ БАЙРАМ НАФАСИ

Бу йил 1-Тошкент педагогика билим юртига тест синовлари асосида 800 нафарга яқин талаба ўқишга қабул қилинди. Энди илм даргоҳида таълим-тарбия оладиган 2 мингдан ортиқ талаба- ёшларга 150 нафар юқори малакали муаллимлар чуқур билим берадилар. Шуни айтиш жоизки, билим юртининг аҳил жамоаси янги ўқув йилига алоҳида тайёргарлик кўришди. Икки ой мобайнида бу ерда ҳомий ташкилотлар — Чиноз туманидаги «Олмазор» жамоа хўжалиги, «Спанта» қўшма корхонаси кўмагида катта кўламдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, шунингдек янги замонавий жиҳозлар сотиб олинди.

Барча жойда бўлгани каби 2 сентябрь куни мазкур билим даргоҳида янги ўқув йили бошланишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Байрам йиғинини очган билим юрти директори Мунаввара Исмоилова ҳаммани қўшалоқ байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг тўрт йиллиги ва янги ўқув йилининг бошланиши билан қизғин қутлади, муаллимлар фаолиятига ривож, талабаларнинг ўқишларига эса муваффақиятлар тилади.

— Бу йил қабул қилинган талабаларнинг 650 нафари кундузги, 140 нафар талаба эса сиртқи бўлимларда таҳсил олади, — дейди Мунаввара опа. — 1995 — 96 ўқув йилидан бошлаб билим юртимизда жаҳонда энг равнақ топган мамлакатларнинг таълим-тарбия соҳасидаги энг яхши тажрибаларини амалда синаб кўрамиз. Шунингдек, ноанъанавий дарслар ўтказишни ҳам мўлжаллаганмиз. Шу мақсадда янги ўқув дастурларига мос режа ва тавсияномалар, педагогика, табиатшунослик, она тили фанлари ва уларни ўқитиш методикаси бўйича услубий қўлланмалар тайёрланган.

Тантанали йиғилишдан сўнг барча талабалар биринчи дарс — Мустақиллик дарсларини тинглаш учун ўқув хоналарига ҳаяжон билан қадам қўйишди. Биз ана шундай дарсларнинг бирида қатнашдик. Тил-адабиёт муаллимаси Хурсаной Умрзоқованинг 3-босқич талаба қизлари билан «Истиқлолга ёр, истиқболи бор ўлкам!» мавзусида ўтказган Мустақиллик дарси кўпчиликка манзур бўлди. «Ватан ҳақидаги ўйлар», «Мустақиллик нима?», «Мустақил ривожланишимиз саналари», «Мустақил давлатимизнинг жаҳонга юз тутиши» мавзулари атрофида қизиқарли баҳслар, саволжавоблар ўтказилди...

Жўрақул ИСКАНДАРОВ.

Барча мактабларда бўлгани каби, пойтахтимиздаги 22-ўрта мактабда ҳам янги ўқув йили байрамона кайфият билан бошланди. Айниқса, ўзгача иштиёқ, ҳавас билан мактаб остонасидан ҳатлаган кичкинтойларга биринчи сабоқ — Мустақиллик дарси олам-олам қувонч бахш этиш баробарида, уларнинг она-юрт, Ватан ҳақидаги тушунчаларини янада ойдинлаштирди.

Суратларда: шодиёнадан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ЖАЖЖИЛАР ИСТИҚЛОЛ ҲАҚИДА

Бундан ўн йил олдин «Мустақиллик нима?» — деган саволга болалар тугул, катталар ҳам кўп ҳолларда аниқ жавоб айтолмасди, хўрсиниб қўярди, холос. Қувонарлиси шундаки, бугунги кунда 3-4 ёшли боғча боласи ҳам Мустақиллик моҳияти ҳақида тўлқинланиб-тўлқинланиб гапира олади.

Биз пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Дилшод» деб номланган 604-болалар боғча-яслисида бўлиб, Мустақиллик байрамига бағишланган машғулотда қатнашганимизда бунга яна бир карра гувоҳ бўлдик. Машғулот ўтказилаётган хона Ватанни улуғловчи, мустақилликни шарафловчи расм ва шиорлар билан безатилган. Тарбиячи Дилфуза Пўлатова боғчанинг тайёрлов группаси тарбияланувчилари диққатини ўзига қаратиб, машғулот мавзусини эълон қилди.

— Болалар биз кеча қайси байрамни нишонладик? Қани, ким айтади?! — тарбиячи болаларга юзланди.

— Мустақиллик байрамини.

— Хўш, айтинглар-чи, Мустақиллик қанақа байрам?

— Биз Мустақиллик байрамида шарлар кўтариб паркка, Мустақиллик майдонига борамиз.

— Мустақиллик деганда нимани тушунамиз? Тарбиячи шу хилдаги саволлар билан болаларни машғулотга қизиқтириб борди. Мустақиллик сўзининг моҳиятини болаларга тушунарли бўлган содда тил билан тушунтириб берди.

Энг қизиқарлиси шундаки, тарбиячининг Ўзбекистон Республикаси мадҳиясини қани ким айтиб бера олади? — деган саволига болаларнинг ҳаммаси баравар қўл кўтаришди.

— Қани, болалар, унда ҳаммамиз мадҳияни биргаликда айтамиз.

Тарбиячининг шу гапини кутиб тургандек, болалар бир овозда куйлай бошлади:

«Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт-нажот...»

Машғулот сўнгида болалар юртимизни, тинчликни, озодликни, Ватанимиз ободлигини улуғловчи шеърлар, қўшиқлар айтиб беришди.

З. УСМОНОВА

ЭСДА ҚОЛАРЛИ САБОҚ

«Ишни бошлаш — ишнинг ярмини бажаришдир», дейишади. Яна шуниси ҳам борки, ишни тўла-тўкис бажаришда ҳам унинг ибтидоси — нечоғлик кўнгилли ёки кўнгилсиз бошланганлиги таъсир этади. Демак, яхши ният билан бошланган ишнинг охири бахайр бўлади. Шу маънода, янги ўқув йилининг бошланиши ҳам халқимизнинг улуғ байрами — Мустақиллик кунига тўғри келганлиги бежиз эмас.

Мамлакатимизда барча таълим муассасалари борки, янги ўқув йилини Мустақиллик дарсларидан бошладилар. Шу жумладан, Ғаллаорол туманидаги тиббиёт билим юрти талабалари олган илк сабоқ ҳам Истиқлол ҳақида бўлди. Билим юрти ҳовлисига тўпланган талабаларни устозлари бир-бир байрам билан қутладилар, ҳамда юртимиз тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида маърузалар ўқидилар. Байрамона руҳда уюштирилган бу илк сабоқ том маънода Ватан билан танишув бўлди.

«Шогирдларимиз олган таассурот уларнинг юз-кўзларида акс этиб турибди, - дейди билим юрти директори Т. Тақабоев. — Айниқса, бу йил ўқишга қабул қилинган ёшлар Мустақиллик дарсини катта иштиёқ билан тинглашди. (Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, билим юртимизда талабалар бу йил биринчи марта тест асосида қабул қилинди. Тест бизга талабгорлар орасидан 330 нафар билимга чанқоқ, интилувчан талабаларни танлаб олишга имкон берди.) Илк дарсдаёқ ўқитувчиларимиз ўзларининг пухта тайёргарликлар билан иш бошлаётганликларини кўрсатдилар. Фикримча, биринчи сабоқ ҳамма учун бирдек — эсда қоларли бўлди.»

И. БЎРИБОЕВ

МУКОФОТ МУБОРАК!

(Боши 1-бетда).

Аҳадова Барно Ражабовна — Самарқанд вилояти Самарқанд тумани 16-ўрта мактабнинг таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари.

Баҳромов Авазбек — Андижон давлат тиббиёт институтининг тиббий биология ва генетика кафедраси ассистенти.

Гафарова Интерна Федоровна — Тошкент давлат педагогика институтининг ўқув кутубхонаси директори.

Девонов Маматқул — Термиз давлат университетининг «Умумий биология» кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Жалолова Музаям Фармоновна — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар 13-ўрта мактабнинг ўқув ишлари бўйича директори ўринбосари.

Исмоилов Маҳмудхон — Тошкент ирригация қишлоқ хўжалик механизация муҳандислари институти қишлоқ хўжалигини электрификациялаштириш кафедрасининг доценти.

Исматова Муҳаббат Ибодовна — Бухоро вилояти Бухоро тумани 28-ўрта мактабнинг директор ўринбосари.

Ишиева Мамлакат Алибековна — Жиззах вилояти Зарбдор тумани 3-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири.

Капустина Татьяна Васильевна — Нукус шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси.

Каримов Суюн Амирович — Самарқанд давлат университетининг «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси мудири.

Маҳмудов Носир — Тошкент давлат иқтисодиёти университети илмий-иқтисодий ахборотлар маркази бошлиғи.

Мирсагатова Матлуба Илҳомовна — Тошкент вилояти Пискент тумани 8-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири.

Набиев Шавкат Иномжонович — Наманган саноат-технология институти «Физика» кафедрасининг ўқитувчиси.

Ниязова Хапизахон Ҳамидовна — Андижон вилояти Андижон тумани 33-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири.

Насанова Анна Петровна — Навоий шаҳридаги 1-ўрта мактаб-гимназиясининг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, Навоий вилояти.

Панкратьев Пётр Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Геология ва геофизика институти директорининг ўринбосари.

Питерова Клавдия Николаевна — Фарғона шаҳар 24-ўрта мактаб директори, Фарғона вилояти.

Попов Пётр Васильевич — Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-текшириш институтининг етакчи илмий ходими, Тошкент шаҳри.

Ражабов Равшан — Навоий давлат педагогика институти «Ижтимоий фанлар» кафедрасининг мудири.

Раҳмонова Ёрқиной — Урганч давлат университетининг катта ўқитувчиси, Хоразм вилояти.

Собиров Қурбонбой — Дружба шаҳридаги Ойбек номли 7-сон ўрта мактаб директори, Хоразм вилояти.

Солиев Абдусами — Тошкент давлат университетининг «Иқтисодий ва социал география» кафедраси мудири.

Ҳалимова Ҳанифа Мухсиновна — Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институт бошқарувининг «Асаб касалликлари» кафедраси доценти.

Ширинқулов Тошпўлат Ширинқулович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд бўлими раиси.

Шокиров Талат Тойбекович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти бош илмий ходими.

Ҳамроева Дилором — Қарши давлат университети ботаника кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Ҳасанова Санобар — Наманган шаҳридаги А. Баннаев номли 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»

Абдуллаев Фатхулла Хабибуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, «Физика қуёши» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси физика-техника институти лабораториясининг мудири.

Асқаров Аҳмадали — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтининг директори.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Коган Лев Аронович — Тошкент олий умумқўшин командирлари ўқув юртининг кафедра мудири.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Жалилов Суръат Обидович — Тошкент давлат санъат институти драма ва кино актёрлиги кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Мухитдинов Хирожиддин — М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ўзбек мусиқий чолғуларини қайта ишлаш лабораториясининг мусиқа устаси.

МАЪРИФАТ ИСТАР КЎНГИЛ...

Биз ҳаётда янгилик излаб яшаймиз. Зеро, у кишиларни тараддудга ундайди. Биз кўриб ёки урганиб қолган воқеаларга ҳам, одатда, янгилик сифатида қараймиз.

Янги ўқув йили бошланди. Бу ҳам, ҳар йил такрорланса-да, янгилик. Юраклар ҳаяжонда. Самимий қутловлар қулоққа чалинмоқда. Мактабга, олий, ўрта махсус ўқув юртларига илми толибликка қабул қилинганларнинг шодлигини кузатиш яна ҳам мароқли. Тошкент давлат иқтисодиёт университети биносига оқиб келаётган оҳорли либосдаги йигит-қизлар, ўқитувчиларнинг бир-бирларига мамнун боқишларидан янги ўқув йили бошланганига хайрихоҳликни илғаш қийин эмас. Илм аҳлининг маърифатга томон пешвоз чиқишини чинакам маънодаги ёруғликка талпиниш дегингиз келади. Бинобарин, маърифат истаган кўнгилларни худо ёрлақагай.

Ўзбек ва рус гуруҳларига ажратилган талабалар алоҳида-алоҳида биноларга тўпланишди. Илмий-амалий анжуман тарзида уюштирилаётган машғулотлар мазкур даргоҳда иккинчи маротаба ўтказилиши. Тантанаворлик, улуғворлик, миллийлик руҳи қоришиқ Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси янгради.

Университет ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон фанлари академиясининг академиги Саидаҳрор Ғуломов тўпланганларни янги — 1995 — 96 ўқув йили билан қутлар экан, жумладан, шундай деди:

— Мустақилликка эришилган кун янги ўқув йили бошланишига тўғри келади. Бу биз билан сизнинг, бутун халқимизнинг мартабаси, бахти, шон-шуҳрати. Ана шу қўшалоқ байрам барчангизга муборак бўлсин! Ўқиш-изланиш, ижод сиз азиз талабалар, муҳтарам ўқитувчиларимизга обрў келтирсин!

Шундан сўнг анжуманнинг юртбошимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганишга бағишланган қисми очиқ деб эълон қилинди. Бу тўғрида университет ректори, академик С. Ғуломов маъруза қилди. У ўз сўзида ўтиш даврининг миллий хусусиятларига кўпроқ тўхталди. Шунингдек, Президентимиз илгари сурган тамойилларнинг мақсад ва мазмуни, бозор иқтисодининг иккинчи босқичи бошланганга ва бу вазиятда иқтисодчи олимлар, бўлғуси иқтисодчилар амалга оширадиган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Музокаралар жонли, қизғин ва амалий руҳда давом этди. Иқтисод фанлари доктори, профессорлар Т. С. Маликов, В. С. Нехай, Ш. Шодмонов, К. Абдураҳмонов, доцентлар М. Содиқов, Н. Эрназарова ва бошқаларнинг чиқишлар талабларда мунозара уйғотди.

— Бизда икки йилдан бери илмий-амалий анжуман мустақиллик дарси сифатида шакллантирилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда университетнинг тарбиявий ишлар бўйича ректор ўринбосари, профессор Назар Ҳакимов. — Биз бевосита ва билвосита ўртага ташлаган мавзу Ўзбекистоннинг бугуни, келажаги ҳақидаги сабоқдир. Маърузалардан Ватанимизнинг эртаси, унинг тараққиётига доир маълумот ва кўрсаткичларни ўқиб олиш қийин эмас. Мен бу анжуманни оммавий мустақиллик дарси деб атаган бўлардим.

Анжуман тугаб, талабалардан таассуротлари билан ўртоқлашишларини сўрадик. Ўзларини 4-курс талабалари деб таништирган йигитлар Икром Абдуғаффоров, Алишер Каримов янги ўқув йили бошланганидан хурсанд эканликларини изҳор этишди.

— Иқтисодиёт — мураккаб соҳа. Президентимизнинг мазкур асарини ўқиб чиққан киши эса бунинг мантиғини чақишга ҳаракат қилади. Ўтган ўқув йилида АҚШдаги Серакуз университетига қарашли колледжда ўқидим, — деб ҳикоя қилади Икромжон. — Инглизчада бемалол гаплаша олганим учун у ерда ўқишга унчалик қийналмадим. Банк иши, инвестиция, молия, бизнес алоқалари, бухгалтерия ҳисоби бўйича анча-мунча билимларни ўрганиб қайтдим. Америкадан қайтар эканман, Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат эканлигига муқаррар ишондим. Бундан тўрт йил аввалги Ўзбекистоннинг қиёфасида ҳозиргиси билан ер ва осмонча фарқ бор. Ҳозир у жаҳоннинг юзлаб давлатлари билан тўғридан-тўғри алоқа урнатмоқда.

Иқтисодиёт университетида ҳам барча олий ўқув юртларидаги каби галдаги ўқув йили бошланди. Республикамизнинг банк тизимига, молия соҳасига, бухгалтерия тармоқларига етук ва малакали мутахассислар етказиб бераётган дорилфунунга бу йил 430 нафар талаба қабул қилинди. Тест синовлари асосида қабул қилинган талабаларнинг қувончлари бир олам. Ўша кунги илмий-амалий анжуман илк бор орзу-ниятлар билан дорилфунун остонасига қадам қўйган ёшлар учун ҳам унутилмас сабоқ бўлажак!

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» КАРИМ АЛАМИДА

«Президент Кубоги»нинг навбатдаги иккинчи турнири ҳам ниҳоясига етди. Ўйинларда ўзбекистонлик теннисчилар биз кутган натижаларни кўрсатишмаган бўлса-да, турнир ўтган йилгидан ҳар томонлама яхши ўтди.

Бевосита ўйинлар, ўйинчиларга тўхталадиган бўлсак, уларнинг ҳам савияси кўтарилганлиги таъкидланяпти. Қолаверса, жаҳонга машҳур ўйинчилардан бири, испаниялик Хорди Ареси, шунингдек, марокашлик Карим Алами, олмониялик Карл-Уве Штиб ўз ўйинлари билан барчани мамнун этишди. Айни ярим финалга ҳам мана шу ўйинчилар чиқишди. Ярим финалнинг тўртинчи ўйинчиси франгистонлик Фредерик Фонтанг аргентиналик машҳур ўйинчи Франко Давинни ютиши кутилмаган ҳодиса бўлди. Чунки Давиннинг Фонтангдан дунё теннисчилари орасида тутиб турган мавқеси жуда баланд ҳисобланади. Ўзбекистонлик ўйинчилар кучли 32 ликда 4 нафар эдилар, 16 ликда эса фақат Ўзбекистоннинг биринчи дубулғаси Олег Огородовгина қолди. Лекин чорак финалга чиқишда унинг йўлини можористонлик Сандор Нозали (2:0) тўсди. Ярим финал ўйинлари жуда қизғин ўтди. Бунда уларни бир жиҳатдан катта очко кутса, иккинчи томондан катта пул миқдори кутарди. Дарвоқе, финалда ғолиб чиққан 18 минг, ютқазган эса 10600, ярим финалга чиққанлар эса 6275 АҚШ долларига эга бўлади.

Ярим финалда Ареси (Испания) Фонтанг (Франция)ни 2:0 (6/4, 6/3) ҳисобида, Алами (Марокаш) эса Штиб (Олмония)ни 2:0 (6/2, 6/1) ҳисобида ютди.

Шу куни жуфтликлар ўртасида финал ўйини ўтказилди. Унда Дан (АҚШ) — Саволт (Можористон) жуфтлиги ғолиб чиқиб (6/3, 6/2), 7750 АҚШ доллари миқдоридаги ютуқ жамғармасининг соҳиби бўлишди.

Ҳар қандай ўйиннинг якуни (финали) доим қизиқарли ўтади. Бу ўйинни кўриш ва ғолибга кубокни топшириш учун шахсан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов майдонга ташриф буюрди.

Ниҳоятда қизғин ва гўзал ўтган Карим Алами ва Хорди Ареси ўйинида марокашлик теннисчининг қўли баланд (6/4, 6/0) келди. Ўзбекистон Президенти Кубокни ғолибга топширгач, гўзал ўйин кўрсатгани учун икки ўйинчига ҳам «ГАЗ-31» автомашинасини совға қилди.

Хуллас, ҳар томонлама гўзал ўтган «Президент Кубоги»нинг иккинчи соҳиби — Карим Алами.

Суратда: Карим Алами ўйинда.

Ҳ. САИДОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

МАШЪАЛА ЎЗБЕКЧАСИГА ЁҚИЛДИ

(Боши 1-бетда).

БОКС

Марказий Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари яхши қатнашаётган ўйинлардан бири боксдир. Кеча газета саҳифаланаётганда финал мусобақалари ўтказилди. 48 кг. вазндаги боксчимиз Дилшод Йўлдошев, 60 кг.да Маҳаматқодир Абдуллаев, 67 кг.да Наримон Отаев, 71 кг.да Карим Тулаганов, 75 кг.да Дилшод Ёрбеков, 91 кг.да Руслан Чагаев, 91 кг.дан юқори вазнда Жамол Сайфуллаевлар финалда ғолиб чиқиб, олтин медалга сазовор бўлишди.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Бу турда 48 кг. вазндаги юртдошимиз Дмитрий Коршунов, 57 кг.да Шамсиддин Худойбердиев, 130 кг. вазнда Шермуҳаммад Қўзиев («Меҳнат резервлари») олтин медалга, 68 кг.да Григорий Пуляев, 82 кг.да Руслан Сундаевлар 2- ўринга, 100 кг. вазндаги юртдошимиз Исомжон Кенжаев 3-ўринга сазовор бўлишди.

ЭРКИН КУРАШ

Бу турда 48 кг. вазндаги Шерзод Йўлдошев («Меҳнат резервлари»), 82 кг. вазндаги Руслан Хидчапов I-ўринни, 68 кг.даги Бахтиёр Раҳимов ва 100 кг.даги Олег Болонов 2- ўринни, 57 кг.даги спортчимиз Абулҳай Зупанов 3- ўринни эгаллади.

БАСКЕТБОЛ

Аёлларимиз биринчи ўйинни қирғизистонликларга 87:99 ҳисобида бой беришди. Туркманистон жамоаси эса Тожикистонликларни 93:85 ҳисобида ютишди. Йигитларимиз эса Қирғизистон терма жамоасидан (99:57) устун келишди. Туркманистон эркаклари аёллари каби Тожикистон жамоасини 95:66 ҳисобида ютишди. Якуний очколар бўйича Ўзбекистон (эркаклар) жамоаси олтин медалга сазовор бўлишди. Аёлларимиз 2-ўринни эгаллашди.

ВОЛЕЙБОЛ

Аёлларимиз бу ўйинда яхши ўйин кўрсатиб қирғизистонликларни 3:0 ҳисобида енгишди. Бироқ иккинчи турда қозоғистонликларга бой бериб қўйишди. Қозоқ биродарлар бунгача тожикистонликлардан ҳам устун (3:0) келишганди. Эркакларимиз шу ҳисобда қирғиз дўстларимиз устидан ғалаба қозонишганди.

ҚИЛИЧБОЗЛИК

Жамоамиз бу ўйинларда фаол иштирок этадилар деган фикрда эдик. Бироқ улар 3-4 ўринни ўзаро бўлиб олдилар. Олтин ва кумуш медалларни эса икки қозоғистонлик қиличбозлар бўлишиб олдилар. Олтин медал соҳиби В. Григорьевдир.

Мусобақаларнинг қолган турлари бўйича ўйинлар энди бошланди ва улар ҳақида ҳам биз сизларни хабардор қиламиз.

Ҳалим САИДОВ,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири.

«Маърифат» хабарлари

ТАЛАБАЛИК МУБОРАК БЎЛСИН!

ТАНТАНАДА ҚАТНАШДИНГИЗМИ?

Ҳар йили биринчи курсга қабул қилинган талабалар билан профессор-ўқитувчиларнинг учрашувини ўтказиш Тошкент давлат 2-тиббиёт институтида анъанага айланиб қолган. Куни кеча Ҳамза номидаги драма театри биносида бўлган тантанали кеча ҳам ана шу анъананинг давоми бўлди.

Кечани институт ректори, профессор Ҳ. Ё. Каримов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг институт профессор-ўқитувчиларидан Н. М. Демиденко, Э. Й. Қосимов, Н. К. Аҳмедов, Р. А. Каценович ўртоқлар сўзга чиқиб, биринчи курс талабаларини янги ўқув йили билан қутладилар.

Институтнинг битирувчи курс талабалари Д. Қозоқов ҳамда С. Умрзоқовалар бўлажак инсон вужуди муҳандисларига оқ йўл тилаб, рамзий синов дафтарчасини ва поклик белгиси бўлган оқ халатни тақдим этдилар.

Биринчи курс талабалари «аъло» баҳоларга ўқишга, жамоат ишларига фаол қатнашишга, оқ халатга доғ туширмасликка тантанали қасамёд қилдилар.

Кечада республика соғлиқни сақлаш вазири, академик Ш. И. Каримов, Семашко номидаги куралтология ва физиотерапия илмий текшириш институти директори, профессор К. Й. Йўлдошев, раҳбарлик идоралари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Театр жамоаси томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари, институт «Орзу» гуруҳи аъзоларининг чиқишлари кечага алоҳида файз киритди.

Обида МИРЗОҚУЛОВА.

МАРҲАМАТ, МАЛАКА ОШИРИНГ!

Пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасида республика ҳунартехника таълими ходимлари малака ошириш институти янги ўқув корпуси ва ётоқхона биноларининг тантанали очилиши маросими бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов очди.

Институт ректори, психология фанлари доктори Рифхат Гайнутдиновнинг таъкидлашича, ушбу бинони таъмирлаш қисқа вақт ичида тугал амалга оширилди. Республика Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги қурилиш ташкилотлари, жумладан, ёш ва тадбиркор Аваз Имомов раҳбарлик қилаётган «Маорифчи» кичик корхонасининг қўли гул усталари, Андижондан ёрдамга етиб келган «Уч коллектор» жамоаси қурувчилари катта ғайратшижоат кўрсатишди. Эндиликда малака ошириш институтининг янги ўқув корпусида миллий ҳунармандчилик бўйича 1 та бўлим, 10 та ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси ва бошқа қўшимча ўқув хоналари фаолият кўрсатади.

Институтда 10 нафар фан доктори ва 10 дан ортиқ фан номзодлари республикамизнинг турли вилоят ва туманларидан келган мутахассислар билан амалий ва назарий машғулотлар олиб боришади. Янги ўқув даргоҳи сентябрнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ малака оширишга келувчиларни ўз бағрига чорламоқда.

Абдулла ТУРДИЕВ,
журналист.

ТААССУРОТ

АНЪАНАВИЙ КЕНГАШ ҲАҚИДА НОАНЪАНАВИЙ ХАБАР

Шоирлардан бири ёзибдики:

Вақт исмли нуроний бир чол
Бутун умрин йўлда ўтказар.

Бу «йўлчи чол» нафақат нуроний, жуда илдам ҳам экан, — ўқитувчилар ва ўқувчилар назаридаги тўқсон кунлик йўлни «ҳаш-паш» дегунча босиб ўтди, қаранг, уч ойлик таътил ҳам ўтди-кетди. Янги ўқув йили бошланди. Мактаб бир мамлакатдай яна гавжум бўлди —аҳли таътил давомида бошдан кечирганларини тенг-тўшларига сўйлашга тушди. Ҳатто кўпгина гапдон болаларни ўзлари кўрган ёки эшитган қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиб бериш истаги қийнаётиб эди. Мана, мавриди — таассуротлар даври келди. Танаффусда, бошлангич синфда ўқийдиган бир маҳмадона бола, ҳамма эшитсин учун атай хонада овозини баланд қўйиб гапираётган бўлса, юқори синф ўқувчи-қизларидан бир жуфти мактаб чорбоғи сари юрди — холироқ...

Балки, заминдаги жон зоти борки, таассурот олиши мумкиндир, лекин таассуротларини ўртоқлашиш — инсонгагина ато этилган неъматлардан бири. Инсон ҳамиша таассуротлари билан яшайди. Унинг ўз таассуротларини ким биландир ўртоқлашишга ошиқиши ҳам бежизмас: манфаатлилиги — қайгули таассурот ҳикояси қайғуни енгиллаштира, қувончлиси қувончни ошира боради. Инсон ўзининг кимлигини англашида ҳам таассуротлар ёрдам беради...

Таассурот ҳақида мушоҳадага берилиб кетдик, шекилли. Аслида, иштихонлик ўқитувчилар ўтказган анъанавий Август кенгаши ҳақида хабар бермоқчи эдик. Буни бизга кенгашда иштирок этган Самарқанд вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини Малик РУЗИҚУЛОВ ҳикоя қилиб берди. Хулас, мана ўша хабар:

«Кенгашда Иштихон туманининг 400 нафар халқ таълими ходимлари, шунингдек, вилоят ва туман ҳокимиятидан, жамоа хўжаликларидан, турли идора ва ташкилотлардан келган вакиллар иштирок этишди. Турфа соҳа кишларининг ўқитувчилар кенгашида қатнашиши бугунги кунда таълим-тарбия ишига катта эътибор билан қаралаётганини кўрсатади, албатта. Шунга яраша кенгаш таълим-тарбия соҳасини такомиллаштириш билан боғлиқ қизғин мунозаралар билан ўтди.

Қатнашчилар маориф соҳасида туманда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни бирдай таҳлил қилиб чиқдилар. Сўнгра, жорий ўқув йилида ишга туширилган (оталиқ ташкилотлари ҳисобидан ёки ҳашар йўли билан қурилган) янги мактаблар ва қўшимча синфхоналар ҳақида ҳисобот бўлди. Ўқувчиларнинг миллий қуринишда тикилган мактаб кийими намойиш қилинди. Кенгаш сўнггида иштирокчилар оталиқ ташкилотлари томонидан тузалган дастурхонга таклиф этилди. Бу ерда бир гуруҳ ўқитувчиларга вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлими томонидан «Фахрий ёрлиқ»лар топширилди. 40 нафар ўқитувчига эса қўл соатлари тақдим этилди. Кенгаш қатнашчиларда катта таассурот қолдирди».

Демак, таассурот ҳақида фалсафа сўқиганимизнинг боиси бор.

Кенгашда қатнашган 400 нафар ўқитувчи бугун ҳар бири ўз мактабида, «Ўқитувчилар хонаси»да кенгаш ҳақидаги таассуротларини сўзлар экан, ҳамкасблари уни жон қулоғи билан тинглашади. Ўзининг, дейлик тоғ сафарига боғлиқ ҳикоясини жуда-жуда айтиб бергиси келиб турган домла ҳам кенгаш қатнашчисининг таассуротларини бўлишга журъат этмайди. Кейинчалик ҳам мактабга, маорифга боғлиқ неки вазифа бор, кенгаш қургандан маслаҳат сўралади. Чунки кенгашда ҳаммаси келишилган. Ўйлаймизки, Иштихоннинг 400 нафар кенгашчи-маорифчилари ҳам ана шундай пайтда ўз ҳамкасбларига тўғри йўл-йўриқ кўрсата оладилар. 40 нафар педагог эса вақтни билиш учун соатга кўз ташлар эканлар, зиммаларидаги масъулиятни асло унутмайдилар. Зеро, Август кенгашлари ҳақида «ўтди-кетди-да» дея фикр қилиш, жоизмас. Таассуротларни навбатдаги кенгашларга довур унутишга ҳаққимиз йўқ.

Икром ИСКАНДАР.

Ўйинчоқлар кўргазмаси

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли республика мактабгача тарбия муассасалари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курси қошида «Ўйинчоқлар кўргазмаси» бўлиб ўтди. Кўргазмага қўйилган турли-туман ўйинчоқлар, тарбиячилар ўз қўллари билан ясаган қўғирчоқлар қўпчилик диққатини ўзига тортди.

Кўргазма ташкилотчиси, мактабгача тарбия муассасалари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курси директори Манзура Солиҳованинг айтишича, у ерда намойиш этиладиган янги туркумдаги бир неча ўйинчоқларнинг энг яхши деб топилганлари қўплаб нусхаларда ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Шундай экан, жажжи қўғирчоқлардаги миллийлик қиёфасига, қадимий урф-одатларимиз қанчалик намоён бўлишига жиддий аҳамият беришимиз лозим. Ахир мурғак гўдак дунёни ана шу қўғирчоқлар нигоҳи билан кўради.

— Яқин келажакда курсимизни республика мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари малакасини ошириш институтига айлантирмоқчимиз, — дейди М. Солиҳова. — Маълумки, айни кунда мамлакатимизда 8687 та мактабгача тарбия муассасалари мавжуд. Уларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги ва Халқ таълими вазирлигига қарашлидир. Шу сабабли малака ошириш курсининг моддий-техника асосини шакллантириш ҳамда унинг қуламини кенгайтириш вазирлик олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолянти.

Кўргазмада республика халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов мактабгача тарбия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, тарбияни миллийлаштириш, таълим-тарбия ишларининг сифати ва самарадорлигини ошириш, методик адабиётларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш учун режалаштирилаётган тадбирлар хусусида гапирди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев иштирокида кўргазма қатнашчиларининг давра суҳбати бўлиб ўтди.

Кўргазма ишида республика Президенти девони етакчи консультанти Ислом Турсунов, қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Александр Скоробогатько, «Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси Гулнора Йўлдошевалар иштирок этишди.

Ж. ИСКАНДАРОВ.

«Соғлом авлод учун»

ГИГИЕНИК ТАРБИЯ

Гигиеник, яъни тозалик тарбияси «Соғлом авлод учун» дастурини рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга. Олимларнинг фикрича, ўқувчилар дарс ўзлаштиришининг 95 фоизи ана шу омилга, яъни уларнинг соғлиги, жисмоний ва ақлий иш қобилиятига боғлиқ бўлар экан.

Гигиеник тарбия мактаб ва оилада тозалик қоидаларига амал қилиш ёҳуд шунга оид нарсаларни урганишгина эмас, балки саломатлик дарсларини уюштириш, тиббий мавзуларда ёзма ишлар ўтказиш, мактаб ҳовлисида, жамоат жойларида саранжом-саришталикка эришиш ва ҳоказоларни қамраб олишни ҳам кўзда тутади.

Табобат ходимлари вақти-вақти билан мактабга ташриф буюриб туришлари лозим. Бу ишга албатта, маъмурият бош қўшади. Ота-оналар, педагоглар қисман шахсий гигиенадан хабардор эканликларини назарда тутсак, фарзандларимиз фақат уларга қараб андоза оладилар. Педагоглар эса ўқувчилар билан мулоқот чоғида, дарсдан ташқари ҳолларда тозалик-озодалик — соғлиқнинг гарови эканлигини уқтирадилар. Юқумли касалликларнинг келиб чиқиши, уларнинг тарқалиши ҳам шахсий гигиенага амал қилмаслик оқибатида келиб чиқади.

Мактаблардаги куни узайтирилган гуруҳлар ҳолатини, ўқувчилар оромгоҳлари ва оилаларни доимий кузатиб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу фақат ўқувчилар саломатлигини яхшилабгина қолмай, уларнинг дарсни ўзлаштиришига ҳам ёрдам беради.

С. Раҳимов туманидаги (Тошкент шаҳри) 243-мактабда саломатлик дарси вақтида «шахсий гигиенанинг роли» мавзуида видеофильм олинган. Ўқувчиларни тиббий-гигиеник тарбиялашда Қўқон, Наманган, Фарғона шаҳарларида ҳам маълум ютуқлар бор. Республикамизнинг бу шаҳарларида ўқувчилар тарбиясида маҳалла оқсоқоллари кенг иштирок этмоқдалар.

Ўқувчиларда соғлом турмушнинг гигиеник қоидаларини шакллантириш тозалик тарбиясига боғлиқ. Тиббий-экологик маълумотлар тарғиботида бунда, шубҳасиз, мактаб кутубхонасининг аҳамияти катта. Тиббиётга таллуқли оммавий адабиётлар мутолаа қилинади, баҳс-мунозаралар уюштирилади.

Бошлангич синфлардаги тиббий-гигиеник маълумот мазмуни яна ҳам қизиқарли бўлиши зарур. Юқори синфлардаги табиётшунослик, ботаника, зоология, физика, химия ва бошқа фанлардан ўтиладиган дарсларда, ўқитувчи ўғил-қизларга маънавий, жисмоний тарбия тўғрисида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва чекишнинг зарари ҳақида ахборот берсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Педагогик ва гигиеник тарғиботлар кундалик матбуотда, радио ва телевидение эшиттиришларида ёритиб борилади. Шунга қарамасдан, мактабларда, ота-оналар ўртасида тиббий-педагогик тарғиботни кучайтириш, санитария-тарғибот усулини мукаммаллаштиришда турли шакл ва усуллардан фойдаланиш керак.

Олдимизга қўйилган вазифамиз қийин. Шунинг учун ўқитувчиларнинг август кенгашларида мактабларда гигиеник таълим ва тарбия масалаларига ҳам эътибор қаратилиши зарур.

Х. ЛАТИПОВ,
Республика саломатлик марказининг бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.
А. ТОҲРИ,
марказ ташкилий бўлими бошлиғи.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

УНИ ЮЛДУЗ ДЕБ АТАШДИ

Май ойида Англияда ўтказилган скрипкачиларнинг халқаро курик-танловида ёш ўзбекистонлик Даниэл Холиқовнинг танлов юлдузи дея тан олиниши ва Ўзбекистон Президенти стипендиясига сазовор бўлиши ҳаммамиз учун шарафли ҳолдир. Таҳририятимизга келаётган хатларга жавоб олиш учун биз Даниэлнинг устози, ҳозирги кунда Успенский номли махсус мусиқа мактабида ёшларга мусиқа сирларидан дарс бераётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Натан Изяславович Миндельсонга Даниэл ва ўтган курик ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Аввало, Даниэл ҳақида сўзлаб берай, — гап бошлади устоз. — У бизнинг мусиқа мактабимизда 5-синфда таҳсил олаяпти. Жуда тиришқоқ, зийрак бола. Ҳозир унга скрипка сирларидан дарс бераяпман. Ўтган курик-танлов ҳар икки йилда ўтказилиб, машҳур скрипкачи Й. Менухин номи билан аталади. Лекин ушбу танловга қатнашиш биз учун осон бўлмади. Биз, аввало, Даниэлнинг чалган куйлари жамланган тасмаларни курик ҳайъатига жўнатдик ва яна бир қанча чиғириқлардан ўтганимиздан кейингина йўлланма олишга муяссар бўлдик. Диққатга сазовор томони, Даниэл Урта Осиёдан ягона иштирокчи эди ва у энг ёш ҳамда истеъдодли ижрочи деб тан олинди. Курик-танловда 160 дан ортиқ давлатдан скрипкачилар иштирок этишди. Асосийси, уни танловда «юлдуз» деб аташди. Шундай шогирд етиштираётганлигимдан жуда хурсандман.

Конкурсдан қайттанимиздан сўнг бизни Президент девонига таклиф қилишди ва Даниэлга юртбошимизнинг шахсий совғаси ва Президент стипендиясининг гувоҳномасини топширишди. Уша лаҳзада қанчалар ҳаяжонланганимни билсангиз эди. Чунки бу бир неча йиллик меҳнатнинг самараси эди.

Даниэлнинг муваффақияти бизнинг ҳам муваффақиятимиздир. Бу Мустақиллик байрамига чиройли тўёна бўлади, деб ўйлайман.

ИЗОҲ. Ушбу суҳбатни ёзиб бўлдиму, ўйланиб қолдим. Бизнинг юртимиз буюк шоирлар, алломалар, зиёлилар юрти бўлган. Бу юртдан не-не даҳолар етишиб чиққан. Жаҳонни титратган Амир Темур, назм султони А. Навоий, буюк фалакшунос олим Улуғбек... Санайверсанг, тугамайди бундай қутлуг номлар. Даниэлни донишманд боболар руҳи қўллаган бўлса, не ажаб?

Даниэлнинг муваффақияти ёрқин истеъдод, тинимсиз меҳнат самараси, дедик. Бу шубҳасиз, албатта. Лекин ҳар қандай истеъдодга, эътибор берилса, зарур шароит яратилса, ғамхўрлик кўрсатилса юзага чиқади. Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз раҳбарияти истеъдодли ёшларни аниқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор бермоқда. Шу мақсадда Улуғбек номидаги истеъдодларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Аълочи талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси жорий этилди. Мана, бир неча ойдирки, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошида республика Истеъдод маркази тузилди. Марказ вилоятларда бўлиб, қишлоқ ёшлари орасидан ҳам талантли ёшларни аниқламоқда.

Бу муҳим изланишлар яқин келажакда ўз самарасини беражак!

Абдуғаффор ОМОН БОЙ.

Қадрли халқ таълими ходимлари сизларни янги ўқув йили билан чин қалбдан табриклаб, бахт, сиҳат-саломатлик ва ўсиб келаётган авлодни тарбиялашдек эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, туман халқ таълими бўлимлари ва мактаб жамоаларининг 1994 — 95 ўқув йилида макулатура йиғишда фаол қатнашганлари учун миннатдорчилик билдириб, янги ўқув йилида ҳам ўзаро ҳамкорлигимиз давом этишига умид қиламиз.

«УМРОН» ДАВЛАТ КИЧИК КОРХОНАСИ

МАНЗИЛИМИЗ: 700005. Тошкент шаҳри, Фарғона йўли 23.

Телефон: 91-61-31.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими шу тумандаги 34-сон мактаб директори Назира Махсудовага онаси Файзинисо ҚОДИРОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар фан ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, Акмал Икромов туман халқ таълими бўлими ва 116-мактаб жамоаси шу мактаб раҳбари Рустам АБЗАЛОВ бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, ижтимоий ташкилотлари ва ижтимоий факультетлар чет тиллар кафедраси жамоаси шу кафедранинг катта ўқитувчиси А. И. Аҳмадхўжаевага отаси Исмоил АҲМАДХУЖАЕВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Ҳалим Сайид.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0401. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6